# Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи

(Боши 1-бетда)

Биз мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморлик санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмоқда.

Таъкидлаш кераккi, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш – бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

Мисол учун, қадимий қўлёзмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлёзмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайди. Нега деганда, исломий хаттотлик санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор.

Бугунги кунда бизнинг тарихий мерос масаласига катта масъулият билан қараб олиб бораётган ишларимизнинг амалий тасдиғини кўпкўп мисолларда кўриш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги XI-XV асрлар ёдгорлиги бўлмиш, қадим замонлардан буён бутун мусулмон дунёсининг эътиборини ўзига тортиб келаётган Шоҳи Зинда мажмуасида уч йил аввал бошлаган кенг кўламли ишларимиз бугун ҳам давом этмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида шу эзгу мақсад йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотурудий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳонуддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўкгумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш бўйича бажарилган бунёдкорлик ишларини эслаш ўринли, деб ўйлайман.

Шу борада бугун Тошкент шаҳрида жойлашган, Қуръони каримнинг энг қадимий ва мўътабар нусхаларидан бири бўлган машҳур Усмон Қуръони сақланаётган Ҳазрати Имом мажмуасида кенг кўламли қайта тиклаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш фурсати келганини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай савобли ишларда қандайдир иккинчи даражали нарсанинг ўзи йўқ. Чунки, такрор айтаман, бу – халқимизнинг тарихий хотираси, миллий ўзлиги ва маънавиятининг юксалиши билан узвий боғлиқ масаладир. Шунинг учун ҳам бу жараёнда обидаларни нафақат қайта тиклаш ва таъмирлаш, айни вақтда, уларнинг ён-атрофидаги ўзига хос табиий муҳитни асл ҳолида сақлаб қолиш каби масалаларни ҳам биз эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Биз 1997 йили Имом Бухорий мажмуасини янгитдан барпо этиш пайтида бу ердаги олти-етти аср умр кўрган чинорлар ва қадимий ҳовузни сақлаб қолиш учун барча зарур чораларни кўрдик. Ҳатто, чинорлар қандайдир касалликка чалинганда, даволаш учун Тошкентдаги Ботаника илмий-тадқиқот институтидан тегишли мутахассислар юборилган эди. Бундай фикрни Шаҳрисабздаги Дорус-саодат ёдгорлик мажмуасида қад ростлаб турган кўҳна чинорлар мисолида ҳам айтиш мумкин.

Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

Олдимизга қўйган бундай эзгу мақсадларга эришишда, миллий қадриятларимиз ва ўзлигимизга садоқат билан ҳаёт кечиришда муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, саховат ва мурувват сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Ўзингиз ўйланг, агар биз истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб тарихий обидаларимизни қайта тиклаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ва фарзандларимизга безавол етказиш ҳақида қайғурмасак, бунинг учун астойдил ҳаракат қилмасак, бугун маънавий ҳаётимизни озиқлантириш ва юксалтириш ҳақида гапириш мумкин бўлармиди?

Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, аввалambор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларидан, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди, деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойиликни талаб этади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби – биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзодни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизация, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.

Ўз-ўзидан равшанки, Тошкент шаҳрига «Ислом маданияти пойтахти» деган юксак ном берилиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, неча юз йиллар мобайнида юртимиз ҳудудида яратилган буюк маданий ва маънавий мероснинг туб моҳиятини, унинг кўпчиликка маълум бўлмаган қирраларини нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон аҳлига кенг тарғиб қилиш, шу тариқа ислом дини тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодачиси эканини яна бир бор намоён этиш борасида ҳали кўп иш қилишимиз зарурлигини биз яхши англаймиз.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун эса, аввало, ўз имкониятларимизни яна бир бор холисона баҳолаб, яқин келажак ва истиқболдаги энг муҳим устувор йўналишларни белгилаб олишимиз даркор. Шу мақсадда тегишли амалий дастур ишлаб чиқилгани, унда юртимиздаги мусулмон меъморчилиги обидаларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларини изчил давом эттириш, ислом маданиятини кенг тарғиб қилиш юзасидан аниқ тадбирлар режалаштирилгани, жумладан, пойтахтимизда «Ислом ва бағрикенглик» мавзусида нуфузли халқаро илмий конференция ўтказиш кўзда тутилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Ўйлайманки, биз, халқимиз, жамоатчилигимизнинг куч-ғайрат ва саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ва сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизга нисбатан билдирилган "Ислом маданияти пойтахти", деган юксак эътибор ва ишончни амалий ишлар билан оқлашга эришамиз, албатта.

Ана шундай эзгу интилишларимизни амалга ошириш йўлида юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, азиз Ватанимизнинг шон-шуҳратини янада зиёда қилишини Оллоҳдан сўраб қоламиз.

# Теран ва танқидий таҳлил асосида

(Боши 1-бетда)

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Янги очилган 40 мингга яқин иш ўринларидан 3,3 мингдан кўпроғи йирик саноат корхоналарида касаначиликни йўлга қўйиш ҳисобига ташкил этилди.

Йиғилиш қатнашчилари ечимини кутаётган муаммоларга танқидий ёндашган ҳолда, уларни ҳал этиш йўлларини муҳокама қилдилар. Корхоналарни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёни суст кечмоқда. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини, аввало, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, деҳқон ва фермер хўжаликларини наслдор чорва моллари ва озуқа билан таъминлаш, зооветеринария хизмати кўрсатиш масалаларида ҳам сусткашлик кўзга ташланмоқда. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Мажлисда вилоятдаги айрим иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан банкротлик механизмини қўллаш, уларни кейинчалик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган ўрта ва узоқ муддатли инвестиция мажбуриятларини киритиш шарти билан хусусий инвесторларга сотиш бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида касаначилик имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маиший хизмат, сервис, савдо, транспорт, лизинг ва банк хизматларини янада ривожлантиришга доир аниқ вазифалар белгиланди.

Машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик ва пойабзал маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган кичик корхоналарни кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

(ЎзА)



Марғилондаги 2-енгил саноат касб-ҳунар коллежида Польша Республикаси ҳукуматининг имтиёзли кредити ҳисобидан тикувчилик цехи ташкил этилди. Энди мазкур коллеж ўқувчилари дарслардан олган билимларини шу ернинг ўзида мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлишди.

Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бирлашмасидан олинган маълумотларга қараганда, бошқа коллежларда ҳам ўқув базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина Польша кредити ҳисобидан 8 та коллежда тикувчилик цехи очилиб, минитехнологиялар билан таъминланмоқда. Айни кунларда Фарғона агросаноат, Олтиариқ агросаноат, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларига ана шундай минитехнологиялар етказиб берилди.

**СУРАТДА:** Марғилон 2-енгил саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Лолахон Тожибоева.

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# Биринчи босқич якунланди

***Жорий йилнинг февраль ойида бошланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун "Ташаббус – 2007" кўрик-танловининг биринчи босқичини республикамизнинг 199 та туман ва шаҳарларида ўтказиш режалаштирилган. Айни кунларда танловнинг мазкур босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва бошқа минтақаларда ўз якунига етиб бормоқда.***

Кўрик-танловнинг уч асосий – "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер" ва "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари бўйича жами 6500 нафардан ортиқ тадбиркор, фермер ҳамда ҳунармандлар иштирок этишди.

Республикамиз ҳудудларидан Олий Мажлис Сенатига сайланган сенаторлар, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал демократик партияси, Халқ демократик партияси вакиллари, "Ташаббус – 2006" кўрик-танлови ғолиблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Марказий Кенгаши аъзолари кўрик-танловнинг туман ва шаҳар босқичини юқори савияда ташкил этиш ҳамда ўтказишда Ташкилий қўмитага кўмак беришмоқда.

*Ташаббус – 2007*

Натижада, кўрик-танловга тадбиркор, фермер ва ҳунармандларни кенг жалб қилиш, уларнинг фаол иштирокини таъминлашга эришилмоқда. Шофиркон туманида – 70, Ангор туманида – 65, Жиззах шаҳрида – 64, Қўрғонтепа туманида – 117, Касби туманида – 71 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштирок этишганлиги бунинг яққол далилидир.

Шу билан бирга, кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказишга "панжа орасидан" қараётган тегишли ҳудудий ташкилий қўмиталар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимиятлари ҳам мавжудлиги кузатилмоқда. Оқибатда, кўрик-танловдаги иштирокчилар сони баъзи туман ва шаҳарларда, ҳаттоки, 20 нафардан ошмаган. Масалан, Когон шаҳрида – 16, Беруний туманида – 15, Наманган шаҳрида – 16, Оҳангарон туманида – 14, Бекобод шаҳрида – 17, Чирчиқ шаҳрида – 15, Сайхунобод туманида – 13, Зангиота туманида – 17, Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида – 19 нафарни ташкил қилган.

"Ташаббус" кўрик-танловининг кейинги босқичларини ўтказишга жойлардаги ташкилий қўмита аъзолари масъулият билан ёндашишлари талаб этилади. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги фаол ҳаракатимиз юртимиз фаровонлигига қўшган ҳиссамиз эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Матбуот хизмати.**

# Деҳқончилик саноатга пайваста

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, ноқонуний фойдаланилгани учун 37852 гектар ер майдонини фермер хўжаликларидан қайтариб олиш тўғрисида суд қарорлари чиқарилган. Бу билдирилган ишончни суиистеъмол қилишдан бошқа нарса бўлмаса керак.

Фермер хўжаликлари уюшмасидан маълум қилинишича, қарийб 13 минг фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Ўтган йили улар томонидан 24200 тонна гўшт, 111300 тонна сут, 31500 дона қоракўл тери, 895 тонна жун, шунингдек, 76,7 миллион дона тухум етиштирилган. Уюшма мутахассисларининг айтишларича, ҳозирги кунда фермерлар етиштирган гўшт-сут маҳсулотларининг 10-12 фоизини ўзлари қайта ишлаяпти. Шундайлардан бири фарғоналик фермер Имомали Назаров.

– Хўжалигимизда 600 бош қорамол, 200 бош қўй, 30 бош йилқи боқиляпти, –дейди фермер. – Чорвачилик билан чекланиб қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйдик. Макарон цехини ишга туширдик. Бунинг учун хорижнинг замонавий ускуналарини келтириб ўрнатдик. Айниқса, ўтган йилнинг кузида Республика Президенти ташаббуси билан ташкил этилган халқаро кўргазма-савдонинг аҳамияти катта бўлди. У ерда фаолиятимиз учун кўпдан буён зарур бўлаётган қадоқлаш цехига шартнома имзоладик.

Дарвоқе, олинган маълумотларга қараганда, ушбу кўргазма-савдода тўрт мингдан ортиқ фермер иштирок этиб, жами 198 миллиард сўмлик 7 мингта келишув-шартномалари имзоланган. Шунинг 3 мингдан зиёди қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган минитехнологиялар харидi учун. Ушбу кичик ускуналар келтирилгач, фермерлар гўшт-сут маҳсулотларининг 25 фоизини ўзлари қайта ишлашлари кутилмоқда.

Чорвачилик ривожини кўзлаган ислоҳотларга қарамай, соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Тўғри, илгариги йилларга қараганда, дейлик, 2000 йилга нисбатан чорва бош сони учдан бир қисмга кўпайган. Лекин бу ҳали имконият даражасида эмас. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг яқиндаги йиғилишида тармоқда муваффақият қозониш учун, аввало, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кераклигини уқтирди. Дарҳақиқат, ветеринария ва зоотехника хизматини замонавийлаштириш, наслчиликни тубдан яхшилаш, омихта ем, хашак билан боғлиқ муммоларни ҳал этмай чорвачиликда илдамлаб бўлмайди.

Ортда қолган йил таҳлили шуни кўрсатаяптики, аграр соҳада айрим камчиликлар учраса-да, ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Натижада, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси яхшиланиб, ҳаёти фаровонлашмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ҳозир 15 йил илгари экилган дарахтнинг ҳосилини кўраяпмиз. Олдинда қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Энг асосийси, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш. Аниқроқ қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида жорий йил учун мўлжалланган 5 фоиз ўсишга эришишдир. Деҳқону фермерларнинг бугунги саъй-ҳаракатлари шунга қаратилган. Соҳа ходимларининг мақсадлари мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлашга қўшилаётган ҳиссани янада кўпайтиришдан, халқимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг хом ашёга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришдан иборатдир.

**Саид РАҲМОНОВ**




## Истеъфога чиқмоқчи

***Италия бош вазири Романо Проди истеъфо сўраб парламентга мурожаат этди.***



Мамлакат бош вазирининг бундай қарорга келишига чоршанба куни Сенат унинг илгари сурган таклифини рад этгани сабаб бўлган. Сенат аъзолари кўп овоз билан Продининг Афғонистонга қўшимча италиялик мутахассисларни юбориш тўғрисидаги таклифига "йўқ" дея жавоб берган. Сенатдаги бу "мағлубият"идан сўнг мамлакат мухолифат коалицияси бош вазирнинг истеъфога чиқишини талаб қила бошлади. Италия президенти Жоржо Наполитано парламент аъзолари билан Проди мурожаатини муҳокама қилиб, унинг истеъфога чиқиши ёки чиқмаслигини маълум қилади.

## Иттифоққа дарз кетдими?

***Литва ва Дания Буюк Британиядан сўнг Ироқдаги ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетишга қарор қилди.***



Ўтган куни Британия ҳукумати Ироқдаги британиялик 7100 нафар аскар сонини яқин кунлар ичида 5500 га қисқартирилишини маълум қилди. Қолган 5500 нафар ҳарбий 2008 йилга қадар босқичма-босқич олиб чиқиб кетилади. Британия ҳукуматининг бу қароридан сўнг Литва ва Дания ҳам шундай тўхтамга келган. Айни дамда Литванинг 53 нафар, Даниянинг 460 нафар аскари Ироқда ҳарбий амалиёт олиб бормоқда. Бу воқеа АҚШнинг Конгресси ва Сенатида икки хил кайфиятда қабул қилинган. Аксарият америкаликлар Буюк Британиянинг бу қарорини Ироқдаги энг ишончли иттифоқдошдан айрилиш ва коалициянинг дарз кетишига йўяётган бўлса, айримлари буни Ироқдаги вазиятнинг изга тушишидан дарак деб билишмоқда.

## БМТнинг чақириғи

***БМТ Хавфсизлик кенгашининг Эронга нисбатан ядровий дастурни тўхтатиш учун белгилаган муддати якунига етди.***



Бироқ расмий Теҳрон ХКнинг бу борадаги резолюциясига бўйсунмай келмоқда. Эрон президенти яна бир бор бундай резолюция Теҳрон учун ҳеч қандай кучга эга эмаслигини маълум қилган. БМТ бош котиби Пак Ги Мун Эронни халқаро ҳамжамият билан музокараларни давом эттириш ва ХКнинг резолюциясига итоат қилишга чақирди. Пак Ги Мун сўзларига кўра, агар расмий Теҳрон бу талабларга кўнмаса хавфсизлик кенгашининг бундан-да қаттиқроқ чораларига дуч келиши мумкин.

## Лифтчиларга жарима

***Европа комиссияси дунёнинг 4 та йирик лифт ишлаб чиқарувчи компанияларини рекорд суммадаги жаримага ҳукм қилди.***



Жарима миқдори 992 миллион евро бўлиб, уни Американинг "Отис" (225 миллион евро), Швейцариянинг "Шиндлер" (144 млн. евро), Германиянинг "Тиссенкрупп" (480 млн. евро) ва Финляндиянинг "КОНЕ" (142 млн. евро) компаниялари тўлаши лозим. Комиссия ушбу компанияларни лифт ва эскалаторлар нархини тил бириктирган ҳолда сунъий равишда белгилаш ва оширишда айбламоқда.

Комиссия 1995-2004 йиллар оралиғида бу ишлаб чиқарувчиларнинг Бельгия, Германия, Люксембург, Нидерландиядаги ана шундай жиноят изларини аниқлаган.

## Бронзага айланган "темир хоним"

***Лондонда Буюк Британия собиқ бош вазири Маргарет Тэтчер ҳайкали ўрнатилди. Мамлакат парламент биносининг вестибюлига ўрнатилган "темир хоним" ҳайкали бронзадан ясалган бўлиб, баландлиги икки ярим метрни ташкил этади.***



У Уинстон Черчел ҳайкали ёнига жойлаштирилган. Британия тарихида илк бор тирик одамга ҳайкал ўрнатилиши парламентнинг сўл қаноти вакиллари орасида норозилик уйғотган.

82 ёшли Тэтчер бунга муносабатини билдирар экан, "ҳайкал бронзадан эмас, темирдан ясалганда яхши бўлар эди, майли, бронза ҳам занглaмайди-ку", деган.

Темир хоним номини олган Маргарет Тэтчер 1979 йилдан 1990 йилга қадар Буюк Британия ҳукуматини бошқарган.

## "Замонавий Нобель" соҳиби

***Компьютер технологиялари соҳасида фаолият юритувчиларни тақдирловчи Тьюринг мукофотининг бу йилги соҳиби 72 ёшли хоним бўлди.***



Френсис Аллен бу мукофотга IBM корпорациясидаги узоқ йиллик фаолияти давомида яратган мураккаб дастурлари учун лойиқ кўрилди. У томонидан яратилган таржимонлик, АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги учун маълумотларни таҳлил қилиш дастурлари компьютер дунёсидаги энг катта янгилик саналган. Тьюринг "замонавий Нобель мукофоти" деб ҳам юритилади.

**INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

МУКА выс.сорт 306,1 ▲ + 0,6 | МУКА 1 сорт 225,4 ▲ + 0,2 | МУКА 2 сорт 205,4 ▲ + 2,1 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0754 850,0 ▼ - 11,7 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 1002,6 ▲ + 3,2 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 1100,1 ▲ + 42,4 | КАРБАМИД 210,0 ▲ + 2,3

